

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017. Т.04.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ЙЎЛЧИЕВ АСЛБЕК БАХТИЁРБЕКОВИЧ**

**ЎТА ЮҚОРИ ЧАСТОТАЛИ НУРЛАР ЁРДАМИДА ЧИГИТ  
ЯНЧИЛМАСИГА ИШЛОВ БЕРИБ ЮҚОРИ ГОССИПОЛЛИ ПАХТА МОЙИ  
ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**02.00.17 – Қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш,  
сақлаш ҳамда қайта ишлаш технологиялари ва биотехнологиялари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

**Йўлчиев Аслбек Бахтиёрбекович**

Ўта юкори частотали нурлар ёрдамида чигит янчилмасига ишлов бериб юкори госсиполли пахта мойи олиш технологияси..... 3

**Йўлчиев Аслбек Бахтиёрбекович**

Технология получения высокогоссипольного хлопкового масла с использованием сверхвысокочастотного излучения обработки хлопковой мятки..... 21

**Yulchiev Aslbek Bakhtiyorbekovich**

Technology of receiving highgossipolny cotton oil with use of the microwave oven of radiation of a meal..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 42

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.04.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ЙЎЛЧИЕВ АСЛБЕК БАХТИЁРБЕКОВИЧ**

**ЎТА ЮҚОРИ ЧАСТОТАЛИ НУРЛАР ЁРДАМИДА ЧИГИТ  
ЯНЧИЛМАСИГА ИШЛОВ БЕРИБ ЮҚОРИ ГОССИПОЛЛИ ПАХТА МОЙИ  
ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**02.00.17 – Қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш,  
сақлаш ҳамда қайта ишлаш технологиялари ва биотехнологиялари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.4.PhD/T504. рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент кимё-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (ik-kimyo.nuu.uz) ҳамда «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz.) жойлаштирилган

**Илмий раҳбар:**

**Серкаев Қамар Пардаевич**

техника фанлари номзоди, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Исабаев Исмаил Бабаджанович**

техника фанлари доктори, профессор

**Тиллаева Гулнора Ўринбаевна**

техника фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Ўсимлик моддалари кимёси институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.T.04.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, А.Навоий кўч., 32. Тел.: (99871) 244-79-21, факс: (99871) 244-79-17, e-mail: tkti\_info@edu.uz. Тошкент кимё-технология институти Маъмурий биноси, 2-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент кимё-технология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкун (№\_\_\_, рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: (100011, Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, А.Навоий кўч., 32. Тел.: (99871) 244-79-21).

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги №\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**С.М.Туробжонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси т.ф.д., профессор

**А.С.Ибодуллаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби т.ф.д., профессор

**К.О.Додаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси т.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Жаҳон миқёсида йилига «табиий биологик фаол моддалар»дан мақсадли таъсирга эга дори воситаларини ишлаб чиқариш миқдорлари 37% ташкил қилади, улардан фойдаланиш даволашнинг самадорлигини ошишига, моддаларнинг мақсадли таъсирини кучайишига ва даволаш қийин бўлган касалликлар учун керакли дори воситаларини ишлаб чиқаришга имкон бермоқда.<sup>1</sup> Ҳозирги пайтда илмий тадқиқот ишлари табиий хомашёлардан ва уларнинг ҳосилаларидан тайёрланган дори воситаларини олиш усулларини яратишга йўналтирилган.

Бугунги кунда дунёда мойли хомашёларни қайта ишлашда уларнинг таркибидаги табиий биологик фаол моддаларни максимал сақлаб қолган ҳолда, истеъмолга яроқли ўсимлик мойлари ва улар асосида фармацевтика соҳасида кенг фойдаланиладиган махсус мойлар ва қаттиқ ёғлар ҳамда улар асосида даволаш воситалари ва дори-дармонлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Республикамизда охириги йилларда мойли хомашёлардан табиий биологик фаол моддаларни ажратиб олиш, шу жумладан пахта чигитидан фармацевтика ва халқ хўжалигининг бошқа соҳалари учун техник госсипол ажратиш технологиясини ўзлаштириш, технологик жиҳатдан госсиполни натив ҳолда сақлаб қолиш, уни ажратишнинг оптимал технологиясини яратиш борасида илмий изланишлар олиб борилган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори кўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган, сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш»<sup>2</sup> вазифалари белгилаб берилган. Бу борада, ноанъанавий усулларни хусусиятларини аниқлаш, улардан фойдаланиш асосида табиий биологик фаол моддалардан дори воситаларини ишлаб чиқариш ва уларни хомашёсини маҳаллийлаштириш ва янги технологиялар яратишга йўналтирилган тадқиқотлар муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 19 январдаги ПҚ-3484-сон «Ёғ-мой тармоғини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 4 сентябрдаги 200-сон «Ишлаб чиқарилаётган пахта мойи сифатини оширишни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланишининг устивор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалик, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устивор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

<sup>1</sup> <https://www.oilworld.biz>.

<sup>2</sup> [http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact\\_id=3107036](http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=3107036)

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Пахта техник чигитидан госсипол ажратиш ва алоҳида мақсадлар учун функционал воситалар олиш, унинг хусусиятларини ўрганиш бўйича А.Н.Лисицын, В.В.Ключкин, С.Ф.Быкова, В.П.Ржехин, А.Л.Маркман, А.С.Садыков, Ш.И.Салихов, А.И.Глушенкова, А.С.Тураев, А.И.Исмаилов, С.А.Абдурахимов, А.Т.Ильясов, Р.М. Мирзакаримов, М.А.Рахимджанов ва бошқалар илмий тадқиқотлар олиб боришган.

Олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари натижасида госсипол ва унинг ҳосилалари асосида улардан фойдаланиш даволашнинг самадорлигини сезиларли даражада ошишига, моддаларнинг мақсадли таъсирини кучайишига ва даволаш қийин бўлган касалликлар учун керакли дори воситаларини ишлаб чиқариш миқдорлари ва ассортиментини кенгайтириш борасидаги ишланмалар ишлаб чиқаришга тавсия этилган.

Шу билан бирга, соя, кунгабоқар ва рапс каби мойли хом ашёларидан мой ажратиш ва қайта ишлашда ўта юқори частотали нурлардан фойдаланиш, хом ашёга юқори ҳароратда ишлов бериш давомийлигини қисқартириш, ҳароратни бутун ҳажм бўйлаб бир ҳилда тарқалишини таъминлаш, пахта мойидан госсиполни ажратиб олиш технологиясини такомиллаштириш, ноанаъанавий усуллар ёрдамида пахта чигити янчилмасига намлик-иссиқлик ишлови бериш ва госсиполнинг чиқиш миқдорларини оширишга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг И2010-29 «Ёғ-мой корхоналарида енгил рафинацияланадиган пахта мойи ва кам госсиполли шрот олиш технологиясини жорий қилиш» (2010-2011) ва 06/11 «Юқори госсиполли пахта мойи» техник шarti ва технологик регламентини ишлаб чиқиш» (2011-2012) мавзуларидаги инновация лойиҳаси ҳамда хўжалик шартномаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ўта юқори частотали нурлар ёрдамида чигит янчилмасига ишлов бериб юқори госсиполли мой олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

пахта чигити ва уни қайта ишлаш маҳсулотлари таркибида госсиполнинг локализациясини ўрганиш;

чигит янчилмасига ўта юқори частотали нурлар билан ишлов беришнинг пресс мойи ва кунжаранинг кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш;

янчилмага ўта юқори частотали нурлар билан ишлов бериб олинадиган пресс мойининг госсипол сақламини аниқлаш;

пахта чигити янчилмасига ўта юқори частотали нурлар билан ишлов беришнинг оптимал технологик режимларини танлаш;

пахта чигити янчилмасига ўта юқори частотали нурлар ёрдамида ишлов бериб, юқори госсиполли мой олиш технологиясини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** пахта чигитини қайта ишлаш натижасида олинган янчилма, мой ва кунжара, ўта юқори частотали қурилма, юқори частотали тўлқин генератори - магнитрон.

**Тадқиқотнинг предмети** чигит янчилмасига ўта юқори частотали нурлар ёрдамида намлик-иссиқлик ишлови беришнинг қонуниятлари, мой ва кунжарани пресслашнинг технологик жараёнлари.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Ишда техник пахта чигити янчилмаси ва уни қайта ишлаш маҳсулотларини тадқиқ этишда ГЖХ, ИК-спектроскопияси, ДТА ва бошқа физик-кимёвий таҳлилнинг замонавий усулларидан ҳамда тадқиқот натижаларининг таҳлилида график шарҳларида MS Word, MS Excel дастурлари пакетидан фойдаланилган шунингдек, статистик маълумотларни Matlab ва Mathcad операцион тизимида бажарилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

чигитда ва уни қайта ишлашдан олинган маҳсулотлар таркибидаги госсиполнинг локализацияси хусусиятлари аниқланган;

пахта чигити янчилмасига ўта юқори частотали нурлар ёрдамида «юмшоқ» режимда намлик-иссиқлик билан ишлов бериш усули ишлаб чиқилган, пресс мойи таркибида эркин госсипол миқдорини максимал даражада сақланиб қолиниши исботланган;

госсиполни максимал даражада ажратиб олиш учун прессладиган қовурмани керакли таркибини ҳосил қилиш жараёнида чигит янчилмасини ўта юқори частотали қиздиришнинг оптимал технологик режимлари: тўлқин частотаси 2450 МГц; қувват 300 Вт; жараён давомийлиги 13-15 мин. эканлиги аниқланган;

чигит янчилмасини танланган шароитларда ўта юқори частотали нурлар ёрдамида олинадиган пресс мойида эркин госсиполнинг максимал даражада сақланиб қолиниши, кислота ва перекис сонлари пасайиши исботланган;

ўта юқори частотали нурлар ёрдамида чигит янчилмасига ишлов бериб юқори госсиполли мой олиш технологияси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари:**

чигит янчилмасига конвектив усулда намлик-иссиқлик ишлови бериш ўрнига ўта юқори частотали нурлардан фойдаланиш жараёни 5-8 марта жадаллаштириши, олинадиган пресс мойининг кислота сонини 1,3-1,5 ва перекис сонини 1,4-1,7 баробарга пасайишига эришилган;

пресс мойи таркибида натив ҳолатдаги госсипол улушининг ортиши ундан фойдаланиш даражасига сезиларли таъсир қилишини инобатга олиб, анъанавий олти чанли қовуриш қозонлари ўрнига ўта юқори частотали нурлар ёрдамида қовуриш ускунаси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлиги** диссертация ишида техник пахта чигити янчилмасига ишлов бериш ва уни қайта ишлаш маҳсулотларининг физик-кимёвий таҳлили замонавий ГЖХ, ИК-спектроскопияси, ДТА ва бошқа физик-кимёвий таҳлилнинг замонавий усуллари қўллаган ҳолда, лаборатория ва тажрибавий-ишлаб чиқариш шароитларида олинган маълумотларни ишончли оралиғининг чегаравий қиймати назарий натижаларига мослиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти таббӣй биологик актив моддалардан бири бўлган госсипол моддасининг чигитда ва уни қайта ишлашдан олинган маҳсулотлар таркибида локализациясининг қонуниятларини асосланганлиги, ўта юқори частотали нурлар ёрдамида янчилмага намлик-иссиқлик билан ишлов бериш

жараёнининг оптимал шароитлари олинадиган маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичларига ижобий таъсир кўрсатишини исботланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти чигит янчилмасига ўта юқори частотали нурлардан фойдаланган ҳолда ишлов бериб юқори госсиполли мой олишда жараёни янчилманинг 1 мм ли элакдан ўтиш даражаси 55-60%, намлиги 13-15%, қовурманинг ҳарорати 75-80 °С шароитларида олиб боришга асосланган технологияси ишлаб чиқилган ва ўта юқори частотали нурларнинг оптимал частотаси 2450 МГц, нурланишнинг қуввати 300 Вт ни ташкил этиши натижасида саноатда қўллашда техник госсипол чиқишини 1,6% гача етказишдан иборатдир.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Пахта чигити янчилмасига ўта юқори частотали нурлар ёрдамида ишлов бериб юқори госсиполли мой олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар натижалари асосида:

юқори госсиполли мой олиш учун технологик регламент ва қўллаш бўйича йўриқномалар «Golden oil Best» МЧЖда томонидан ишлаб чиқилган ҳамда корхона стандарти (Ts 26363450-001:2017) тасдиқланган. Натижада пресс мойи таркибидаги натив госсипол миқдорини 0,5-0,7%га ошириш имконини берган;

чигит янчилмасига ўта юқори частотали нурлар ёрдамида намлик-иссиқлик ишлови бериш технологияси «Golden oil Best» МЧЖда амалиётга жорий қилинган («Ўзпахтаёғ» АЖнинг 2018 йил 05 апрелдаги МС/2-855-сон маълумотномаси). Натижада янчилмани пресслашга тайёрлаш жараёнини одатдаги технологияга нисбатан 5-8 марта жадаллаштириш имконини берган;

ўта юқори частотали нурлар ёрдамида чигит янчилмасига ишлов бериш натижасида олинган пресс пахта мойини чуқур қайта ишлаш технологияси «Асака ёғ» АЖда амалиётга жорий қилинган («Ўзпахтаёғ» АЖнинг 2018 йил 05 апрелдаги МС/2-855-сон маълумотномаси). Натижада, таклиф этилаётган усулда олинган пресс мойининг кислота сонини 1,3-1,5 марта ва перекис сонини 1,4-1,7 мартага камайтириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 12 та республика илмий-техник конференцияларда маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси ва материаллари бўйича жами 29 та илмий ишлар нашр этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 11 та, жумладан 7 та хорижий ва 4 та республика журналларида мақолалар чоп этилган.

**Диссертация тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Асосий матнли материалнинг ҳажми 120 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ А`СОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий


натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Юқори госсиполли пахта мойи олиш технологиясининг замонавий ҳолати ва уни ривожлантириш йўллари таҳлили**» деб номланган биринчи бобида пахта чигити ва уни қайта ишлаш маҳсулотлари таркибида госсиполнинг локализацияси, госсипол ва ҳосилаларини олиш технологиялари, ноанъанавий усуллардан фойдаланиш, саноат миқёсида ўта юқори частотали нурларнинг аҳамияти, шу жумладан юқори госсиполли мой олиш технологиясининг замонавий ҳолати ва ривожлантириш йўллари таҳлил қилинган. Юқори госсиполли мой ажратиш технологиясининг ўзига хослиги, жараёнда чигит янчилмасига намлик-иссиқлик ишлови бериш босқичининг муҳим аҳамиятга эга эканлиги аниқланган. Бу жараёни «юмшок» шароитда ўтказиш, шубҳасиз кейинги қайта ишлаш жараёнларининг техник-иқтисодий самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Юқори госсиполли мой олиш технологиясини яратишда госсиполни максимал даражада мойга ўтказишнинг энг мақбул усуллардан бири эканлиги сифатида ноанъанавий манбалардан фойдаланиш борасида ўта юқори частотали нурлар (ЎЮЧ) билан чигит янчилмасига ишлов бериш кераклиги тўғрисида хулосага келинган. Олиб борилган таҳлил натижаларида диссертациянинг мақсад ва вазифалари аниқланган.

Диссертациянинг «**Тажрибалар ўтказиш, хом ашё ва олинадиган маҳсулотларнинг таҳлил усуллари**» деб номланган иккинчи бобида юқори госсиполли мой ишлаб чиқаришда асосан I ва II саноат навли пахта чигитларидан фойдаланиш, уларнинг физик-кимёвий кўрсаткичлари, чигит янчилмаси, қовурмаси, кунжара ва мойнинг ЎЮЧ билан ишлов беришдан олдинги ва кейинги сифат кўрсаткичларини, мойларинг кислота сони ва перекис сон кўрсаткичлари, олинган мой таркибидаги госсиполнинг улушларини, фосфатидлар миқдорини аниқлаш, бундан ташқари кунжара таркибидаги умумий оксил ва эрувчан оксилларнинг миқдорларини аниқлашнинг таҳлил усуллари келтирилган. Ўтказилган тажрибалар натижаларини математик қайта ишлаш, ўлчашлардаги аниқликлар ва тажриба хатоликларига баҳо бериш усуллари ҳамда ЎЮЧ нурлардан фойдаланиб чигит янчилмасига намлик-иссиқлик билан ишлов бериш учун лаборатория қурилмаси ишлаб чиқилган. Лаборатория қурилмасининг тузилиши шу билан бирга, юқори госсиполли мой олишга таъсир қилувчи омилларни аниқлаш, шу жумладан янчилманинг намлик кўрсаткичини, қўшиладиган шелуха миқдоридан келиб чиққан ҳолда, олинадиган маҳсулотнинг ғоваклик кўрсаткичини аниқлаш каби усуллар тўғрисида баён қилинган.

Диссертациянинг «**Чигит янчилмасига ЎЮЧ нурлардан фойдаланиб намлик-иссиқлик ишлови бериш жараёни тадқиқоти**» деб номланган учинчи бобида саноатдаги қовуриш қозонларидаги конвектив иссиқлик алмашилишда юқори босимдаги ёпиқ ва очиқ буғлар иштирокидаги иссиқлик материалнинг юза қатламига текис тақсимланмасдан, материал қатламларининг куйиши ҳисобига оксилларнинг хусусиятларини сезиларли даражада йўқотилишига олиб келади. Саноат усулидан фарқли равишда, ЎЮЧ нурлари намлик-иссиқлик ишловини материалнинг тўла ҳажми бўйича текис тақсимлаш имконини беради. Бундай қайта ишлаш, анаънавий усулдан фарқли равишда, тезкор амалга оширилиб, янчилманинг таркибидаги намлик миқдорига боғлиқ ҳолдаги қиздириш интезивлигига эга. Дастлабки тажрибалар кўрсатишича, чигит янчилмасининг 8-9% намлиги ЎЮЧ нурлари билан намлик-

иссиқлик ишлови бериш учун етарли эмас. Шундан келиб чиқиб, ЎЮЧ нурлар билан ишлов беришда чигит янчилмасини қиздиришнинг жараён давомийлиги ва намликка боғлиқлигини аниқлаш тажрибалари ўтказилди. Тажрибалар ЎЮЧ нурлар қуввати 300 Вт, частотаси 2450 МГц бўлган шароитда ўтказилди. Чигит янчилмасининг ЎЮЧ нурлар билан ишлов беришдан олдинги оптимал намлигини аниқлаш мақсадида янчилмани дастлаб 9-19% гача намланди, сўнг ЎЮЧ нурлар билан ишлов берилди (1-Расм).




1-расм. ЎЮЧ киздиришда чигит янчилмаси ҳароратининг (t) намлигика (W) боғлиқ ҳолда ўзгариши

Чигит янчилмасининг намлиги 9,0% бўлганда, унинг ҳарорати бир маромда 30-32 мин. давомда 90-95°C га ошади (1-эгри чизик). Бошланғич материалнинг намлиги 11,0% (2-эгри чизик) бўлганда, ҳарорат 22-24 мин. давомда 90-95°C га кўтарилиб, намлик 5-6% гача камайгунча ҳарорат деярли ўзгаришсиз қолиши, сўнг эса жадал ошиши кузатилади. Шунга ўхшаш ўзгаришлар қолган намуналарда ҳам кузатилади, фақат келтириб ўтилган ҳароратга эришиш даври қисқариб боради (3-6 эгри чизиклар).

Ҳароратнинг ошиши қайта ишланаётган материалнинг намлигига боғлиқлиги аниқланди. Бироқ, мойли материални қовуришда намликнинг чегаравий қиймати мавжуд бўлиб, намликни кейинги оширилиши технологик ва энергетик жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмас. Намлик 13-15% (3 ва 4- эгри чизиклар) бўлганда намликнинг тезкор пасайиши 12-13 мин. оралиғида бошланиб, 15-18 мин. оралиғигача давом этади. Айтиб ўтилган вақтдан сўнг янчилманинг намлиги 5-6% га қадар камаяди. Шунингдек, буғланиш тезкорлиги ҳам пасайиб, мағиз қисмининг қизиши ҳисобига ҳарорати ошади. Чигит янчилмасини ЎЮЧ билан ишлов бериш учун оптимал намлик кўрсаткичи 13-15% бўлиб, намликни кейинги оширилиши сезиларли ўзгаришларга олиб келмади. Материлни ЎЮЧ нурлари билан қиздиришда, нурлантириш қуввати муҳим аҳамиятга эга бўлиб, изланишларимизда 100 дан 600 Вт гача ўзгартириб тажрибалар олиб борилди. Юқори оқсилга эга пахта чигити янчилмасига ЎЮЧ нурлари билан намлик-иссиқлик ишлови беришда у ёки бу қувватни танлаш муҳим саналади. Биз томонимиздан чигит янчилмасининг намлиги 15% бўлганда ЎЮЧ

нурлари билан қиздириш тезлигининг қувватга боғлиқлиги ўрганилди. Бунинг учун микротўлқинли нурнинг частотаси 2450 МГц ва ишлов бериш давомийлиги 20 мин. белгилаб олдик (2-расм).




2-расм. Чигит янчилмаси ҳароратининг (t) ЎЮЧ билан ишлов бериш қувватига (W) боғлиқ равишда ўзгариши

ЎЮЧ қиздиришнинг қувватини 100 дан 300 Вт гача ортиб бориши, белгиланган вақт оралиғида янчилма ҳароратининг мос равишда 60 дан 80, 89 ва 98°C га қадар ошишига олиб келади. Қувват 300 дан 400 Вт га қадар ортиши ҳароратни ошиш тезкорлигига сезиларли таъсир кўрсатмайди. Нурланиш қувватини (500 ва 600 Вт) га қадар кўтарилиши ҳароратни экстенсив равишда ошишига сабаб бўлади, натижада - бир томондан, олинаётган қовурманинг таркибий ўзгаришлари тугамасдан туриб мезганинг бир қисмини куйишига олиб келади, иккинчи томондан эса, юқори қувватли ЎЮЧ нурлари билан намлик-иссиқлик ишлови бериш, сезиларли энергия сарфига сабаб бўлади. Чигит янчилмасига намлик-иссиқлик ишлови бериш жараёнида оптимал қувватни (300 Вт) ушлаб туриш ЎЮЧ нурлари билан қайта ишлашда энергия сарфини камайтиришга имкон беради.

Прессланадиган материалнинг тузилишини шакллантиришда унинг ғовакликлиги муҳим рол ўйнайди. Шунинг учун, биз томонимиздан ЎЮЧ нурларини пресслашга берилаётган чигит янчилмасининг ғовакликлигига таъсири ўрганилди. ЎЮЧ нурларининг ҳарорати бутун ҳажм бўйлаб бир хил тақсимланиши ички ғовакликларни очилишига имкон беради ва чигит янчилмасини осон прессланадиган тузилиш олишига таъсир қилиб, материал таркибида шелуха миқдори минимал бўлган ҳолда пресс мойининг юқори чиқиш миқдорини таъминлайди. Юқоридагиларни ҳисобга олиб, чигит янчилмасининг ЎЮЧ билан қайта ишлашдан олдинги ва кейинги ғоваги ва ғовакларнинг ўлчамларини аниқлаш бўйича изланишлар олиб борилди. Олиб борилган тажрибалар шуни кўрсатдики, ЎЮЧ нурлари юқори ғовакликка эга бўлган қовурма олишга, мойни ажратишда транспорт каналлари ҳисобланган супермакроғоваклар ҳажми ортишига таъсир кўратади.

Янчилма таркибидаги шелуха миқдорининг ўзгариши ЎЮЧ нурларининг ғовакликлари ортишига бўлган ижобий таъсирини камайтирмайди. Маълумки, микротўлқинли нурлар чигит янчилмаси тузулишига таъсир қилиши билан бирга,

мойнинг ўзига ҳам таъсир қилади ва бу ўзгаришларни мойнинг физик-кимёвий кўрсаткичларида кузатишимиз мумкин (3-расм).



**Расм 3. Чигит янчилмасига ишлов бериш усулига боғлиқ ҳолда мезгадаги эркин госсипол миқдорининг ўзгариши**

ЎЮЧ билан ишлов беришда қувват ва ишлов бериш давомийлигининг ортиб боришига боғлиқ равишда, олинадиган мой таркибидаги эркин госсипол миқдори камайиб боради. Тажрибалар кўрсатадики, ЎЮЧ нурлари билан ишлов бериш қувватини 100 дан 600 Вт гача ва ишлов бериш давомийлигини ортиб бориши госсиполнинг ўзгаришларини жадаллаштиради ва янада чуқур ўзгаришларга учрашига сабаб бўлади. Аммо, тадқиқотлар шуни кўрсатдики, янчилмани 100 дан 300 Вт қувват оралиғида қайта ишланганда, коворма таркибидаги госсиполнинг ўзгаришлари, саноат усулидагига нисбатан сезиларли даражада кам бўлади. Бу ҳолат, қайта ишланаётган материалга ишлов бериш вақтининг қисқалиги ва ишлов бериш ҳароратнинг нисбатан пастлиги билан изоҳланади. Намлик-иссиқлик ишлови бериш ва қовуришда, юқоридаги ўзгаришлар билан бирга, чиқаётган мойнинг ранги ҳам ўзгаради. Саноат усулидан фарқли равишда, ЎЮЧ билан ишлов бериш материалнинг ичидаги суяқлик босимининг интенсив равишда ошиши билан фарқланади. ЎЮЧ билан ишлов беришда мой рангининг ўзгаришини аниқлаш мақсадида одатдаги саноат шароитида (назорат) ва ЎЮЧ нурлари билан лаборатория қурилмасида (синов) материалга ишлов бериш тажрибалари ўтказилди. Назорат тажрибаларида, материални дастлаб буғ ёрдамида 13-15%га қадар намланди ва ҳарорати 60-65°C га етказилди, сўнг 60 минут давомида коворманинг ҳарорати 100-105°C га етгунча термик ишлов берилди. Синов тажрибаларида, дастлаб янчилмани назорат тажрибаларидагидек ишлов берилди, сўнг ЎЮЧ нурларининг турли қувватларида 30 мин. давомида қиздирилди. Иккала тажрибада ҳам мой рангини ўзгаришини кузатиб бориш учун ҳар 5 мин. давомида намуналар олиб турилди (1-жадвал).

Материални саноат усули билан қайта ишланганда дастлабки 10-15 мин. давомида мойнинг рангли сезиларли ўзгармайди, бу вақт материалнинг ҳароратини ва намлигини ошишига сарфланади. Кейинги 20-25 минут давомида мойнинг ранги тезкор равишда 30 дан 54 қиз. бир.гача ортади. Янчилмага 100 Вт қувватда ЎЮЧ билан ишлов берилганда мойнинг ранги 5 мин. давомида ўзгаришга учрашни


бошлайди ва жараён сўнгига келиб (30 мин. дан кейин) мойнинг ранги 45 қиз.бир. гача кўтарилади.

1-жадвал

**Қовурмадаги мой рангининг ишлов бериш усули ва ишлов бериш давомийлигига боғлиқ холда ўзгариши**

Ишлов бериш усули	Мой рангининг Ловибонд бўйича ўзгариши, қизил(кўк) бирлик							
	5	10	15	20	25	30	40	60
Саноат усулида	20(3)	22(3)	26(3)	30(3)	35(2)	40(2)	49(1)	54(1)
Қувватга боғлиқ холда ЎЮЧ билан ишлов бериш усули:								
W=100 Вт	21(3)	26(3)	30(2)	36(2)	40(2)	45(2)	-	-
W=300 Вт	30(2)	34(2)	38(2)	43(2)	46(2)	48(2)	-	-
W=600 Вт	34(1)	42(1)	56(1)	68(1)	Не пр.	-	-	-

Янчилмага 300 ва 600 Вт қувват билан ЎЮЧ ёрдамида ишлов беришда ҳам худди шундай ўзгаришларни кузатиш мумкин. Лекин, қувват ошиб бориши билан ишлов бериш давомийлиги қисқариб боради. Мисол учун, материлни 600 Вт да ЎЮЧ қиздирилганда, мойнинг рангини тезкор ўзгариши 20 мин. давомиди кечади. Маълумки, пахта мойи рангида кўк бирликнинг (кўк бир.)мавжудлиги, кўпинча таркибида хлорофиллар ва госсиполнинг борлигини англатади. Ишлаб чиқариш усулида қайта ишланганда кўк бирлик 25-30 мин. га келиб ўзгаришга учрайди ва ишлов беришнинг охирига бориб дастлабки миқдорга нисбатан 1/3 гача камаяди. ЎЮЧ нурлари билан ишлов беришда ўзгаришлар жараён бошидан кузатилади.




4-расм. Чигит янчилмасига ЎЮЧ билан ишлов бериш жараёни давомийлиги ва қувватга боғлиқ равишда мойнинг кислота сони ўзгариши

Юқоридаги ҳолат шу билан тушунтириладики, ЎЮЧ ишлов бериш суякликларнинг, айниқса хўжайра ичидаги сувнинг ички гидравлик босимини тезкор ошишига олиб келади, хужайра деворларини бузилиши рўй беради ва бу моддаларнинг реакцион хусусиятларини оширади. Янчилмани ЎЮЧ қиздиришда мой рангининг тезкор ёмонлашишига қарамай, материалга назорат усулидагига нисбатан қисқа муддатли ишлов берилиши ҳисобига жараён сўнгига мой ранги кам ўзгаради. Шунингдек, ЎЮЧ нурларининг қувватини ( $W$  – 300 дан 600 Вт гача) ва вақтининг ( $t$  – 5 дан 30 мин.гача) ортиши олинадиган пресс мойининг кислота сонини 1,2-1,4 мартагача оширади (4-расм).

Ўсимлик мойлари ишлаб чиқариш технологик жараёнларида, хусусан пахта чигитини қайта ишлашда тўйинмаган ёғ кислоталарининг кескин оксидланиш жараёни юз беради. Бунда, янчилмани, қовурмани ва хом мойни юқори ҳароратда қайта

ишланганда мойнинг перекис сони кўпроқ ўзгаради. Биз томонимиздан чигит янчилмасига ЎЮЧ нурлар билан ишлов бериб олинган мойнинг перекис сонини ўзгаришини ўрганилди ва ЎЮЧ нурлари билан юқорида келтирилган режимларда олинган пресс мойининг перекис сони 10 дан 17 ммоль/кг гача ошганлиги аниқланди. Мойнинг перекис сонини ортиши ЎЮЧ нурларининг қуввати (300-600 Вт) ва янчилмага ишлов бериш давомийлигига (5-30 мин.) боғлиқ ҳолда ошади (5-расм).



**5-расм. Чигит янчилмасига ЎЮЧ ишлов бериш билан ва анъанавий технологияда олинган мойнинг перекис сонининг ўзгариши**

Чигит янчилмасига ЎЮЧ билан ишлов бериб ва анъанавий усулда олинган мойларининг таҳлил натижалари таққосланганда, ўрганилаётган вақт оралиғида микротўлқинли нурлар таъсирида ёғ кислоталари камроқ оксидланишга учраши аниқланди. Чигит янчилмасига анъанавий усулда намлик-иссиқлик ишлови бериб олинган мойнинг физик-кимёвий кўрсаткичлари билан таққосланганда, ЎЮЧ нурлари мой сақловчи материалга нисбатан «юмшоқ» таъсир қилиши маълум бўлди. Олиб борилган изланишлар натижаси шуни кўрсатдики, чигит янчилмасини ЎЮЧ билан ишлов бериб олинган мой таркибида натив ҳолдаги госсиполнинг улуши кўпроқ. Моҳиятига кўра, аввал яратилган, пахта чигитини комплекс қайта ишлаш технологияси бўйича госсипол ва унинг ҳосилаларини максимал даражада мойга ўтказилиб, сўнг антранил кислотаси ёки бошқа самарали реагентлар ёрдамида ажратиб олинади.

Анъанавий усул ўрнига ЎЮЧ нурларидан фойдаланилса, бу нурлар материалнинг ички қисмигача кириб бориши ва фақатгина материал юза қисмида эмас, балки тўла ҳажм бўйича иссиқлик энергиясига айланади ва натижада ҳароратнинг бир хилда тақсимланиши ҳисобига ҳарорат тезкор ошишини таъминлаб, қайта ишланаётган материалнинг сифати сақланишига олиб келади. Биз томонимиздан лаборатория шароитида чигит янчилмасининг шелуха миқдори 15% бўлган, турли намликдаги 3 та намунасида иссиқлик ва электромагнит ишловларининг мужассамлаштирган ҳолда ишлов бериш изланишлари олиб борилди (2-жадвал).

ЎЮЧ нурларидан фойдаланилганда пресс мойининг кислота сони 0,89-1,0 мг КОН/г камайгани, мойдаги госсипол улуши эса 0,54-0,55%га ортгани чигит янчилмасини бундай қайта ишлаш самарали эканлигини тасдиқлайди. Кунжаранинг мойдорлиги 1,4-1,5% гача камайгани, шу билан бирга таркибидаги госсипол миқдори

мойда кўпайган миқдорга мос равишда камайгани унинг озикавий қийматини ошириш учун муҳим омил саналади.

2-жадвал

**Таклиф этилаётган ва мавжуд технология буйича олинган янчилма, мой ва кунжаранинг физик-кимёвий кўрсаткичлари**

Кўрсаткичларнинг номланиши	№ Намуна	Мавжуд технология	Таклиф этилаётган технология
<i>Чигит янчилмаси:</i>			
Намлашдан олдинги ва кейинги янчилманинг намлиги, %	1	8,0 (11)	8,0 (13)
	2	10,1 (12)	10,1 (14)
	3	9,5 (13)	9,5 (15)
Мойдорлиги, %	1	30,5	30,5
	2	30,2	30,2
	3	31,2	31,2
<i>Янчилмага ишлов бериш шaroитлари:</i>			
Ҳарорат, °C	1	98,8	75,5
	2	102,5	80,0
	3	99,2	84,3
Ишлов бериш вақти, мин		60,0	15,0
ЎЮЧ нурининг қуввати, Вт		-	300
<i>Пресс мойининг кўрсаткичлари:</i>			
Кислота сони, мг КОН/г;	1	4,15	3,15
	2	4,06	3,17
	3	4,20	3,21
Эркин госсипол миқдори, %;	1	0,57	1,11
	2	0,64	1,19
	3	0,61	1,25
Материалнинг умумий мойдорлиги гига нисбатан мойнинг чиқиши, %;	1	82,4	83,8
	2	83,7	84,2
	3	83,4	84,5
Материалнинг умумий мойдорлиги гига нисбатан, кунжаранинг мойдорлиги, %	1	17,6	16,2
	2	16,3	15,8
	3	16,6	15,5

Диссертациянинг «**Чигит янчилмасига ЎЮЧ нурлар ёрдамида ишлов бериб юқори госсиполли пресс пахта мойи олиш технологиясини ишлаб чиқиш**» деб номланган тўртинчи бобида тавсия этилаётган технологияни яратиш устидаги изланишлар натижалари баён қилинган. Пахта чигити янчилмасини қайтган товар (қуйқа) билан биргаликда иссиқлик ва электромагнитли қайта ишлаганда тегишли моддалар молекулаларининг қутблилиги ўзгаради. Хусусан, пресс мойи таркибида фосфатидлар ва натив госсипол миқдори ортади, бу эса ўз навбатида кейинги, гидратация ва ишқорий рафинация жараёнларига ижобий таъсир кўрсатади. Пахта чигитини комплекс қайта ишлаш бўйича аввал ишлаб чиқилган схемани тўлиқ амалга ошириш учун чигит янчилмасига намлик-иссиқлик билан ишлов беришни ЎЮЧ нурларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириш мақсадга мувофиқ, чунки эркин госсипол, хом мой ва фосфатидларнинг чиқиш миқдорлари сезиларли равишда ортади. Янчилмага ЎЮЧдан фойдаланган ҳолда ишлов бериб юқори госсиполли мой олишнинг янги жараёнларини ишлаб чиқиш унинг технологик режимларини оптималлаштиришни талаб этади. Юқори госсиполли мой олишнинг мавжуд

технологияларининг тахлили шуни кўрсатдики, бу технологияларда мойнинг ва госсиполнинг чиқиш миқдорлари кам. Биз томонимиздан ишлаб чиқилган чигит янчилмасига ЎЮЧ нурлари ёрдамида намлик-иссиқлик ишлов бериш усули сферосомалар, глобулалар ва госсипол қопчаларини чуқур бузилишига имконият яратади, госсиполнинг ажратилаётган мойда эришишига ижобий таъсир кўрсатади.

Саноат миқёсида кўрсаткичларни таққослаш учун юқори госсиполи мой олишнинг куйидаги 3 та усулидан фойдаланилди:

Назорат – 1 да бугунги кунда ЎзРФА “Биоорганик кимё” институтининг эҳтиёжлари учун керак бўлган юқори госсиполли мой олувчи «Case oil division» МЧЖ корхонасининг усулидан фойдаланилган. Пахта чигити ядроси ҳеч қандай чақишсиз, янчишсиз ва намлик-иссиқлик ишловисиз совуқ пресслаш технологиясидан ўтказилади. Назорат – 2 да ВНИИЖ нинг саноат шароитида юқори госсиполли мой олиш усули яқинроқ аналог сифатида (Форпресс мойида госсиполни максимал даражада эритиш усули) фойдаланилди. Ишлаб чиқилган усулда тажриба синовлари куйидаги тарзда амалга оширилди: чақилган ва ажратилган чақилма 1 мм ли элакдан 55-60% ўтадиган даражада майдаланди. Олинган янчилма шелуха билан керакли миқдорда аралаштирилди ва намловчи-буғловчи шнекда намлиги 15% гача етказилди ва 65 °С гача қиздирилди. Сўнгра, материалга ЎЮЧ қурилмасида 13-15 минут давомида ишлов берилди (тўлқин частотати 2450 МГц ва қуввати 300 Вт). Намлиги 7-8% ва ҳарорати 75-80 °С бўлган қовурмадан пресслаш орқали мой ажратиб олинди. Синов тажрибаларида ишлаб чиқилган усулни куйидагича амалга оширилди. Чақилган ва ажратилган чақилмани аввал 1 мм элакдан ўтиш даражаси 55-60% га етгунча майдаланди. Олинган янчилмани керакли даражада шелуха билан аралаштириб, намлаш буғлаш шнегида намлиги 15% га етгунча намланди ва ҳарорати 60-65% га етказилди. Кейин, материални 13-15 мин. давомида ЎЮЧ қурилмасида ишлов берилди (тўлқин частотаси 2450 МГц ва қуввати 300 Вт). Намлиги 7-8% ва ҳарорати 75-80 °С бўлган мезгани пресслаб мой ажратилди. Назорат ва синов намуналарига намлик-иссиқлик ишлов бериш режимлари ва олинган кунжаранинг кўрсаткичлари келтирилган (3-жадвал).

Назорат-1 да янчилма намланмаган ва иссиқлик ишловисиз прессланган. Назорат-2 да янчилма намланмади, лекин 4 чанли қовуриш қозонларида 55-60 минут давомида иссиқлик билан ишлов берилди. Қовуриш қозонининг тўртинчи чанида ҳарорат 75-80 °С ушлаб турилди ва қовурманинг ҳарорати 75-78 °С га етказилди. Синов тажрибаларида янчилма ЎЮЧ нурлари билан юқоридаги кетма-кетликда қайта ишланди. Тайёр бўлган қовурма прессланди. Олинган кунжаранинг мойлиги тажрибаларга мос равишда (назорат-1, назорат-2 ва синов) 17,4; 13,2 ва 9,1% ни ташкил қилди. Шуни таъкидлаш керакки, назорат-1 да янчилмани қайта ишланганда, кунжаранинг мойлиги 17,4% ни ва пресс мойининг сиқилиши 50% дан камни ташкил қилди. Бунинг сабаби, пресслаш натижасида майдаланмаган материалдаги бузилмаган хужайралар сони бузилганларига қараганда юқори бўлганлиги учун шнек прессдаги юқори босимга қарамай мойнинг асосий қисми материалнинг ўзида қолиб кетади.

Материалга ЎЮЧ нурлари билан ишлов берилганда хужайралар кучли бузилиши синов партиясидаги кунжара мойдорлигининг пастлиги билан изоҳланади. Янчилмани ЎЮЧ билан ишлов бериб олинган кунжаранинг мойдорлиги бир хил шароитда прессланган (назорат-2)га нисбатан 4,1% га кам. Назорат-2 билан таққослаганда, ЎЮЧ

билан ишлов берилган намуналардаги кунжара таркибидаги оксил миқдори 1,1% га юқори, шунингдек эрувчан оксиллар улуши 3,9% га кўп, бу нарса ўз навбатида бошқа тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, ЎЮЧ нурлари оксилларнинг эрувчан қисмига ижобий таъсир қилишини тасдиқлайди. Шу билан бирга олинган мойларнинг физик-кимёвий кўрсаткичларини ҳам ўргандик (4-жадвал).

3-жадвал

**Назорат ва синов намуналарига намлик-иссиқлик ишлов бериш режимлари ва олинган кунжаранинг кўрсаткичлари**

Кўрсаткичларнинг номланиши	Ўл.бир.	Тажриба ва назорат натижалари		
		Назорат 1	Назорат 2	Тажриба
I. Янчилмага гидротермик ишлов бериш:				
Харорат:				
- биринчи чанда	°С	Иссиқлик билан ишлов берилмайди	65-67	-
- иккинчи чанда	°С		67-70	-
- учинчи чанда	°С		70-75	-
- тўртинчи чанда	°С		75-80	-
ЎЮЧ билан ишлов беришдаги харорат	°С	-	-	75-80
Ишлов бериш вақти	мин	-	55-60	13-15
Қовурманинг намлиги	%	-	6,5-7,5	7,0-8,0
Қовурманинг харорати	°С	-	75-78	75-80
II. Кунжаранинг кўрсаткичлари				
Мойдорлиги	%	17,4	13,2	9,1
Намлиги	%	8,9	7,4	7,8
Эркин госсипол миқдори	%	0,21	0,14	0,19
Протеин миқдори	%	42,1	40,3	41,4
Эрувчан оксиллар миқдори	%	62,6	61,3	65,2

Олинган намуналарнинг кислота сони синов тажрибаларида 2,9-3,2 мг КОН/г, назорат-1 да 2,5-2,7 ва назорат-2 да 4,5-4,8 мг КОН/г ни ташкил қилади. Синовда эркин госсипол миқдори 1,61-1,68%ни ташкил қилди. Бу кўрсаткич назорат-1 да 1,06-1,18%ни ва назорат-2 да 0,90-0,98% ни ташкил этди. Пахта чигити янчилмаси намлигининг янчилмага ЎЮЧ нурлар билан ишлов бериш самарадорлигига ва эркин госсиполнинг мойга ўтиш миқдорларига таъсирини ўрганиш бўйича тажрибалар олиб борилди (5-жадвал).

Янчилмани 2450МГц ва 300 Вт қувватда 13-15 мин. давомида (синов) ЎЮЧ билан ишлов берилганда хом пахта мойи таркибида мавжуд технология (назорат-2) билан таққосланганда унга нисбатан деярли 2 баробар кўп миқдорда эркин госсипол эриганлигини кўришимиз мумкин. Бунга янчилмага микротўлқинли нур орқали қисқа вақтда ишлов беришда унинг таркибий қисмларини электрофизик хусусиятлари ҳисобига эркин госсипол таркибининг сезиларли миқдорини сақланиб қолиши орқали эришилади. Намликни 13-15% га етказиш, мойдаги эркин госсиполни 1,61% гача оширади. Янчилмадаги намликни янада оширилиши госсиполни ажратиб олишда сезиларли ўзгаришларга олиб келмади.

4-жадвал

**Турли ишлов бериб пресслаш билан олинган хом мойнинг физик-кимёвий кўрсаткичлари**

Кўрсаткичларнинг номланиши	Хом пахта мойининг кўрсаткичлари:		
	Назорат-1	Назорат-2	синов
Ловибонд бўйича 35 сарик бирликда 1 см кюветада ранги: қизил бирликда кўк бирликда	44-46 1-2	51-54 2-3	45-47 2-3
Кислота сони, мг КОН/г	2,5-2,7	4,5-4,8	2,9-3,2
Намлик ва учувчан моддалар миқдори, %	0,51-0,53	0,65-0,82	0,45-0,47
Механик қўшимчалар, %	0,4-0,5	0,5-0,7	0,3-0,4
Госсипол миқдори, %	1,52-1,56	1,51-1,54	1,65-1,82
эркин госсипол улуши, %	1,06-1,18	0,90-0,98	1,61-1,68
Фосфатидлар миқдори, %	1,24-1,35	0,96-1,05	1,66-1,78

5-жадвал

**Янчилма намлигининг госсиполнинг мойга ўтишига ва янчилмага ЎЮЧ билан ишлов бериш самарадорлигига таъсири**

Янчилма намлиги, %	ЎЮЧ ишлов бериш шартлари		Хом пахта мойининг кўрсаткичлари			
	Кувват, Вт	Вакт, Мин	Ранги 1 см қатламда 70 сарик бирликда		Кислота сони, мг КОН/г	Госсипол миқдори, %
			қизил б.	кўк б.		
9,0	300	15	44	1	3,15	1,41
11,0	300	15	40	3	3,13	1,48
13,0	300	15	44	3	3,15	1,54
15,0	300	15	47	3	3,21	1,61

Натижалардан кўриниб турганидек, янчилмага ЎЮЧ нурлари ёрдамида ишлов бериб олинган мой ва кунжаранинг барча кўрсаткичлари мавжуд технология кўрсаткичларига караганда устунроқ (6 жадвал).


6-жадвал

**Мавжуд ва таклиф қилинаётган технологиялар бўйича пахта чигитини қайта ишлашдан олинган махсулотлар баланси**

№	Кўрсаткичлар номи	Ўл. бир.	Мавжуд технология	Таклиф қилинаётган технология
1	Шрот	%	44,1-44,8	44,1-44,8
2	Шелуха	%	30,9-31,7	30,86-31,7
3	Момик	%	3,21-3,32	2,97-3,02
4	Пух	%	1,65-1,82	1,21-1,37
5	Минерал ва органик ифлосликлар	%	2,01-2,07	2,01-2,07
6	Рафинацияланмаган мой:	%	18,65-19,02	18,85-19,03
	- рафинацияланган мой	%	15,50-16,12	15,80-16,15
	- эркин ёғ кислоталари миқдори	%	0,35-0,42	0,18-0,25
	- фосфатидлар миқдори	%	1,15-1,21	1,17-1,23
	- госсипол миқдори	%	1,52-1,56	1,61-1,68
	- триацилглицеридлар	%	0,05-0,07	0,01-0,03
	- механик қўшимчалар	%	0,05-0,7	0,03-0,05

Чигит янчилмасига ЎЮЧ нурлари билан ишлов бериб юқори госсиполли мой олишининг ишлаб чиқилган технологик жараёни қуйидаги кетма кетликда амалга оширилади (6-расм).

Ишлаб чиқилган технологик схема қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади: аввал тозаланган, чақилган ва ажратилган чақилма транспорт шнеги (2) га тушиб у орқали янчиш қурилмаси ВС-5 (3) га келиб тушади ва у ерда 1 мм ли элакдан ўтиш даражаси 55-65% га етгунча майдаланади. Олинган янчилма шнек (4) ёрдамида, шнек (1) орқали берилётган шелуха билан керакли миқдорда аралаштирилган ҳолда нория (5) ёрдамида намловчи-буғловч шнек (6)га берилади ва у ерда 15% гача намланиб, ҳарорати 65 °С гача етказилади. Намланган ва қиздирилган материал ЎЮЧ қурилмаси (7) га узатилади ва у ерда «юмшоқ» режимда иссиқлик билан ишлов берилади (тўлқин частотаси 2450 МГц ва қуввати 300 Вт). ЎЮЧ қурилмаси (7) дан олинган қовурма намлиги 7-8% қолган ҳолда бункер қабул қилгич (8) орқали шнек пресс (9)га берилади. Пресслашда қовурмадан мойни максимал даржада сиқиб олиш ва мойлилик даражаси паст бўлган кунжара олиш мақсадида, қовурманинг шелуха сақлами 15-17% ва намлиги 7-8% бўлган ҳолда прессга берилади. Шнек пресс (9) дан чикқан кунжара шнек (11) орқали экстракция цехига юборилади, пресс мойи эса шнек (10) орқали, қуйқатутгич (12) да таркибидаги механик қўшимчалардан бирламчи тозаланаяди. Қуйқадан тозаланган мой насос (13) ёрдамида фильтр-прессга узатилади. Фильтрланган юқори госсиполли мой насос (16) ёрдамида кейинги қайта ишлашга юборилади. Қуйқа тутқич (12) ва фильтр-пресс (14) лардан ажралган қуйқалар шнек (15) ва нория (17) орқали янги янчилма билан аралаштириш учун намловчи-буғловчи шнек (6) га қайтариб берилади.



**6-расм. Чигит янчилмасига ЎЮЧ нурли ишлов бериб юқори госсиполли мой олишининг ишлаб чиқилган технологик схемаси**

Бу ишлаб чиқилган ЎЮЧ нурларидан фойдаланиб чигит янчилмасига ишлов бериш ва юқори госсиполли мой олиш технологиясини саноат шароитида техник госсипол ишлаб чиқаришда фойдаланиш учун асос бўлади.

## ХУЛОСА

1. Пахта мойидан натив ҳолдаги госсиполни максимал даражада ажратиб олиш учун, амалиётда қўлланилаётган янчилмага олти чанли қовуриш қозонларида анаъанавий конвектив усулда намлик-иссиқлик билан ишлов бериш ўрнига ўта юқори частотали нурлардан фойдаланиш тавсия этилган.

2. Пахта чигити янчилмасига ўта юқори частотали нурлар ёрдамида «юмшоқ» режимда намлик-иссиқлик ишлови бериш усули ишлаб чиқилди ва пресс мойи таркибидаги эркин госсиполни максимал даражада сақланиб қолиниши кўрсатилади.

3. Ўта юқори частотали нурлар иссиқликни материалнинг тўла ҳажми бўйича текис тақсимлаши натижасида, анаъанавий усулдан фарқли равишда, тезкор амалга оширилиб, янчилманинг таркибидаги намлик миқдори бўйича бошқариш йўли билан намлик-иссиқлик ишлови бериш давомийлигини 5-8 мартагача қисқартириш тавсия этилган.

4. Чигит янчилмасига ўта юқори частотали нурларнинг тўла ҳажми бўйича бир хилда тақсимланиши ҳисобига мойнинг оқиши, госсиполнинг ва ҳамроҳ моддаларнинг мойда эриб ажралиб чиқиши учун қувур вазифасини бажарувчи макро ва ўтувчи ғовакликларнинг ҳажми анаъанавий технологиядагига нисбатан кескин ошиши кўрсатилади.

5. Ўта юқори частотали нурлар ёрдамида ишлов бериш жараёнида юқори ғовакликка эга бўлган қовурма олинishi хом мой таркибида эркин госсипол миқдори 1,61-1,68% ни ташкил этиши ва ушбу маҳсулотнинг чиқиши одатдаги технологиялардагига нисбатан 0,7-0,71% гача ошиши кўрсатилади.

6. Чигит янчилмасига ўта юқори частотали нурларнинг оптимал частотати 2450 МГц, нурланишнинг қуввати 300 Вт да ишлов бериб юқори госсиполли мой олишда жараённи янчилманинг 1 мм ли элакдан ўтиш даражаси 55-60%, намлиги 13-15%, қовурманинг ҳарорати 75-80 °С шароитларида олиб боришга асосланган технологияси тавсия этилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Т.04.01 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ  
ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ДОКТОРА НАУК**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ**

**ЙЎЛЧИЕВ АСЛБЕК БАХТИЁРБЕКОВИЧ**

**ТЕХНОЛОГИЯ ПОЛУЧЕНИЯ ВЫСОКОГОССИПОЛЬНОГО  
ХЛОПКОВОГО МАСЛА С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ  
СВЧ ОБРАБОТКИ МЯТКИ**

**02.00.17 – Технология и биотехнология обработки, хранения и переработки  
сельскохозяйственных и пищевых продуктов**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Тошкент – 2018**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирован в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2017.4.PhD/T504.**

Диссертация выполнена в Ташкентском химико-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу [ik-kimyو.nuu.uz](http://ik-kimyو.nuu.uz) информационно-образовательном портале «Ziyonet» по адресу ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz).)

**Научный руководитель:**

**Серкаев Камар Пардаевич**  
кандидат технических наук, доцент

**Официальные  
оппоненты:**

**Исабаев Исмаил Бабаджанович**  
доктор технических наук, профессор

**Тиллаева Гулнора Ўринбаевна**  
доктор технических наук, профессор

**Ведущая организация:**

**Институт химия растительных веществ**

Защита диссертации состоится «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 г. в \_\_\_\_\_ часов на заседании научного совета DSc.27.06.2017. T.04.01 при Ташкентском химико-технологическом институте по адресу:(100011, г. Ташкент, Шайхонтахурский район, ул. А.Навои, 32. Тел.: (99871) 244-79-21, факс: (99871) 244-79-17, e-mail: [tkti\\_info@edu.uz](mailto:tkti_info@edu.uz)).

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Ташкентского химико-технологического института за № \_\_\_, с которой можно ознакомиться в ИРЦ (100011, г. Ташкент, Шайхонтахурский район, ул. А.Навои, 32.Тел.: (99871) 244-79-21).

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 года.  
(протокол рассылки № \_\_\_ от «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 г.).

**С.М.Туробжонов**

Председатель Научного совета по присуждению учёной степени доктора наук, д.т.н., профессор

**А.С.Ибодуллаев**

Учёный секретарь Научного совета по присуждению учёной степени доктора наук, д.т.н., профессор

**К.О.Додаев**

Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению учёной степени доктора наук, д.т.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире выпуск лекарственных средств с использованием «природных биологически активных веществ» в год составляет 37%, использование последних позволяет значительно повысить эффективность лечения, усилить направленное воздействие субстанций и разработать лекарства для трудноизлечимых болезней<sup>3</sup>. В настоящее время научно-исследовательские работы направлены на создание способов получения лекарственных веществ на основе природного сырья.

В настоящее время в мире ведутся научные исследования по разработке лечебных средств и лекарств на основе специальных масел и твердых жиров, широко используемых в фармацевтике, из пищевых растительных масел, получаемых переработкой масличного сырья путем максимального сохранения содержащихся в них природных биологически активных веществ.

За последние годы в Республике проведены научные изыскания по выделению природных биологически активных веществ из маслосодержащего сырья в том числе по освоению технологии выделения технического госсипола из хлопковых семян для фармацевтики и других отраслей народного хозяйства, по сохранению нативности госсипола с точки зрения технологии, по созданию оптимальной технологии его выделения. В стратегии движений по развитию Республики Узбекистан, определены задачи по «ускоренному развитию производств, основанные на высоких технологиях и направленных на выпуск высоколиквидных готовых продуктов глубокой переработки на основе местных ресурсов сырья и переводению промышленности на качественно новый уровень путем модернизации и диверсификации»<sup>4</sup>. В этом отношении, важное научное и практическое значение имеет определение влияния нетрадиционных способов производства растительных масел и их использование при производстве лекарственных средств на основе природных биологически активных веществ, исследования, направленные на создание новых технологий и локализация продукции

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Постановлениях и Указах Президента Республики Узбекистана УП-4947 от 7 февраля 2017 года «Стратегия развития Республики Узбекистан по пяти приоритетным направлениям в 2017-2021 годах», ПП-3484 от 19 января 2018 года «О мерах по ускоренному развитию масложировой отрасли», постановлением Кабинета Министров от 4 сентября 2008 года «О мерах по дальнейшему стимулированию повышения качества производимого хлопкового масла» и нормативно-правовых документах принятых в данной сфере.

**Соответствие исследований приоритетным направлениям развития науки и технологий в республике.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики: V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды» по программе прикладных исследований.

---

<sup>3</sup> <https://www.oilworld.biz>.

<sup>4</sup> [http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact\\_id=3107036](http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=3107036)

**Степень изученности проблемы.** По данной тематике известны научно-исследовательские работы авторов А.Н.Лисицын, В.В.Ключкин, С.Ф.Быкова, В.П.Ржехин, А.Л.Маркман, А.С.Садыков, Ш.И.Салихов, А.И.Глушенкова, А.С.Тураев, А. Исмаилов, С.А.Абдурахимов, А.Т.Ильясов, Р.М.Мирзакаримов, М.А.Рахимджанов и др., по развитию технологии получения функциональных продуктов, специального назначения, в том числе госсипола из семян хлопчатника.

На основе проведенных научно-исследовательских работ рекомендованы в производство лекарственные средства на основе госсипола и его производных, повышающих эффективность лечения, направленность действия веществ и трудноизлечимых болезней.

Вместе с тем предложено использование сверхвысокого частотного излучения при переработке маслосодержащих материалов из семян сои и рапса, что позволило сократить время высокотемпературного воздействия на маслосодержащий материал и повысить равномерность нагрева обрабатываемого материала. Однако, мало известны научно-исследовательские работы, направленные на решение проблем технологии получения госсипола с использованием нетрадиционных способов влаготепловой обработки мятки и увеличения его выхода.

